

(1423–1450)

(1449-1450)

Мовароуннахрда 1449-1450-йилларда хукмронлик темурий хукмдор. Улугбекнинг ўгли. Шохрух саройида тарбия олган, харбий юришларда кўшиннинг ўнг канотига кўмондонлик килган. Гавхаршод бегим ва тархон амирлар Шохрух ўлиmidан сўнг (1447) Абдулатифни олий бош кўмондонликка тайинлаб, унинг амакиваччаси Алоуддавгани тахтга ўтказишган. Бу қарордан норози бўлган Абдулатиф Алоуддавлага қарши уруш очган, лекин Нишопур яқинидаги жангда (1447) енгилб, хибсга олинган. Улугбек фарзанди ҳаётини саклаб қолиш мақсадида Алоуддавга билан сулҳ тузишга мажбур бўлган. Унга кўра, Алоуддавга Хуросон хукмдори деб тан олиниб, Абдулатифга Балх улуси берилган. Абдулатиф Улугбекнинг 1448-йил илк баҳоридан ёзгача Алоуддавга ва Абулқосим Бобурга қарши жанглирида қатнашган. Сўнг, тож-тахтни эгаллаш мақсадида отасига қарши Абулқосим Бобур билан иттифок тузган. Улугбек Абдулатифга қарши кўшин тортган ва Амударё бўйида икки томон кўшини 3 ой муқобил турган (1449). Самарқандда қолган беқлар исёни туфайли Улугбек пойтахтга қайтишга мажбур бўлган, натижада Абдулатиф Амударёдан ўтиб Термиз, Шахрисабзни эгаллаган. Самарқанд яқинидаги Дамишқ қишлоғи ёнида отасини енгилб, тахтни эгаллаган (1449). Абдулатифнинг розилиғи билан Улугбек ва уқаси - Абдулазиз Мирзо қатл этилган. Абдулатиф олти ойлик хукмронлиғидан сўнг, Улугбекнинг хос наварларидан Бобо Хусайн бақодир томонидан ўлдирилган (1450-йил 8-май). Абдулатиф ўзар, худбин ва шухратпараст бўлсада, отаси Улугбек қаби илм аҳлига ихлосманд эди. У ўзи ҳам фалақийёт ва тарих илми билан шугулланар, шеърлар битарди.